

ХФР

1918-йил
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№1, 2024-йил
10-yanvar,
chorshanba (32.799)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АРМИЯСИ



**ШАК-ШУБҲА
ЙЎҚИ, ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
МАМЛАКАТИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИ,
СУВЕРЕНИТЕТИ ВА
ҲУДУДИЙ
ЯХЛИТЛИГИНИ
САҚЛАШ, ТИНЧ ВА
ОСУДА ҲАЁТИМИЗНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
МУСТАҲКАМ
ТАЯНЧИДИР!**

8

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 январь куни савдо ва хизматларни ривожлантириш, туризм ва маданият масканларини барпо этишга оид тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда ўтган йили 18 декабрда бўлган видеоселектор йиғилишида топшириқлар берилган эди. Хусусан, мамлакатимизда туризм салоҳияти катта экани, уни самарали ишга солиб, туризм масканлари ва меҳмон ўринларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланган.

Тақдимотда шунга мувофиқ тайёрланган лойиҳалар кўриб чиқилди. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Тошкент вилоятининг Паркент тумани тоғлари жуда хушманзара. Айниқса, баҳор-ёз мавсумида сайёҳлар билан гавжум. Бу борадаги шароитларни кенгайтириш мақсадида Шаҳрисабздаги Мираки, Паркентнинг Нурубод ва Кумушкон ҳудудларида замонавий дам олиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Қашқадарёдаги Майданак тоғ масканида енгил конструкцияли хостеллар қуриш, мавжуд биноларни савдо ва хизматларга қайта ихтисослаштириш, ҳудудни ободонлаштириш мўлжалланган.

Туристлар борадиган жойлардан бири бу — бозор. Лекин, бугунги кунда айрим бозорларимиз туристлар учун жозибador эмас, уларда миллий колорит етишмайди.

Шу боис давлатимиз раҳбари миллий маданиятимизни акс эттирган бозор мажмуалари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Тақдимотда тарихий шаҳарларимиздаги бозорларни турист-

лар учун жозибador масканларга айлантириш бўйича дастлабки лойиҳалар намойиш қилинди.

— Бозорларимизнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда уларни юртимизнинг "ташриф қўзи"га айлантириш керак. Озиқ-овқат, кийим-кечак, заргарлик дўконлари, ошхоналар, кўнгилочар масканлар ҳамоханг бўлиши, харидорлар ва туристларни ўзига жалб қилиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада Туркия ва араб мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, лойиҳалаштиришга хорижий мутахассисларни таклиф этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Тақдимотда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби туризм марказларида қурилиши режалаштирилган бозорлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларда ҳам ҳудудий колоритни акс эттириш, туристлар учун кенгроқ шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мажлисида Тошкент давлат цирки фаолиятини яхшилаш масаласига тўхталиб ўтган эди. Бугунги тақдимотда ушбу маданият даргоҳини таъмирлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда таълим ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида 300 ўринли ўқув биносини барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш ва сифатли қуриш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

president.uz

КУТИЛГАН ЙИЛ БЎЛИШНИ ИСТАЙМИЗ!

4-5 САҲИФАЛАРДА



Ўзбекистонда доимий аҳоли сони кунига ўртача 2,1 минг кишига кўпаймоқда

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизнинг доимий аҳолиси 36 799 756 кишини ташкил этган.

Доимий аҳоли сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,2 фоизга ошган.

Мамлакатимиз аҳолиси 2023 йил бошидан буюн 774,8 минг кишига кўпайган.

• Юртдошларимиз 2023 йилнинг ҳар бир ойда ўртача 64,6 минг кишига кўпайган.

• 2024 йилнинг ҳар бир кунда доимий аҳоли сони ўртача 2,1 минг кишига ошмоқда.



МУРҒАК ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болажонлар учун ранг-баранг Янги йил тадбир ва томошалари ташкил этилди. Бу борада Ички ишлар вазирлиги тизимдаги ташкилотлар ҳам фаол бўлди.

Хусусан, байрам арафасида Тошкент вилояти ИИББ ЖХХ ҲПБнинг Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида болалар учун байрам тадбири ташкил қилинди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда Маънавият ва маърифат маркази вилоят бошқармаси, вилоят мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси ташаббуси билан тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилди.

ИИББ ходимлари томонидан марказда тарбияланаётган вояга етмаганларга байрам совғалари улашилди.

Янги йил байрами болажонларга қувонч ва хуш кайфият улашди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида фракциянинг 2023 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди, хато ва камчиликлар очиқ муҳокама этилиб, келгуси вазифалар бўйича амалий таклифлар билдирилди.



ЙИГИЛИШДА ФРАКЦИЯНИНГ БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ.

Қайд этилдики, фракция томонидан партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Фракциянинг 2023 йилга мўлжалланган чоратадбирлар режаси асосида қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда бошқа тадбирлар самарали ташкил этилган.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Қайд этилганидек, ўтган вақт ичида фракция аъзолари томонидан 1 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди ва қабул қилинди.

Хусусан, фракция аъзолари ташаббускорлиги асосида киритилган Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида қонун лойиҳаси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга, ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, бошқа фракциялар билан биргаликда 6 та қонун лойиҳасининг ишлаб чиқишида ҳам фаол ташаббус кўрсатилди. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида"ги, "Ўзбекистон

Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги каби қонун лойиҳалари шулар жумласидан.

Фракция йиғилишларида 206 та қонун лойиҳаси юзасидан кечган муҳокамада депутатлар томонидан сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини акс эттиришга қаратилган муҳим таклифлар қатъий билдирилиб, 60 га яқин таклиф инobatга олинган.

Давлат бюджетини шакллантириш ва назорат қилиш жараёнида ҳам депутатларимиз фаол қатнашиб келяпти. Мисол учун, фракциямиз ташаббуси билан "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисида"ги қонун лойиҳасига 40 ёшдан ошган аҳолининг қандли диабет касаллигини эрта босқичда аниқлаш бўйича скрининг текширувидан ўтказиш учун Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилди.

Брифингда таъкидландики, партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ижроси, электорат манфаатлари билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан партия билан биргаликда 2023-2024 йилларда 6 та қонун ташаббусини амалга ошириш белгилаб олинган эди. Бугунги кунга қадар 3 та қонун лойиҳаси дастлабки ҳолатда ишлаб чиқилди, қўмита ва вазирликлар билан бошланғич муҳокамадан ўтказилди.

ИЗЧИЛ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ОЛИБ БОРИЛДИ

Ўтган йили ХДП фракцияси муаммоларни ҳал этиш, қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида тизимли равишда парламент назоратини олиб борди. Ижро ҳоқимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назорати

ўрнатилди.

Фракция таклифига кўра, сайловчиларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш бўйича 2 та Ҳукумат соати, 1 та парламент эшитиш ўтказилди.

Эшитишда депутатлар мутасадди раҳбарлар ахборотларига таклиф ва тавсиялар билан муносабат билдириб, ўз навбатида, асосли саволлар билан айрим маълумотларга аниқлик киритишди.

Фракция аъзолари сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли муурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашувларда кўтарилган масалалар, сайлов округларида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мансабдор шахсларга жами 23 та депутат сўрови жўнатилди. Тегишли вазирлик

ва идораларга 5 та парламент сўрови юборилди.

Ушбу тизим ҳукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш билан бирга, фракция аъзоларининг ҳам ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилаётгани брифингда алоҳида қайд этилди.

МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛИ НИМАНИ КўРСАТМОҚДА?

Маълум қилинганидек, ўтган даврда фракция аъзолари номига фуқаролардан жами 2635 та муурожаат келиб тушган. Уларнинг 1 449 тасига ижобий ечим топилган бўлса, 922 та муурожаат кўриб чиқиш учун тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилган. Қолган 264 та муурожаат айна кунларда кўриб чиқилмоқда.

Депутатлар жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ҳар бир муурожаат ортида инсон, унинг қадр, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари турганини таъкидлашди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўтган даврда фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида 549 маротаба учрашув ўтказилиб, жами 385 та хонадонга ташриф буюрди. Уларда 16 452 нафар фуқаро, шу жумладан, 1223 нафар тадбиркор билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этилди ҳамда 356 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан танишилди.

ПАРТИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Фракция партия билан ҳамкорликда 35 га яқин қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамасини ўтказди. Уларда фуқаролар томонидан билдирилган 210 га яқин таклифлар

қонун лойиҳасига масъул бўлган фракция аъзоларига тақдим этилди.

Лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари томонидан 50 дан ортиқ ҳудудга ташриф буюрилди. 16 000 нафардан зиёд сайловчи, шу жумладан, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди. Учрашувлар давомида ҳудудлардаги муаммолар ўрганилди, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.


ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Ҳисобот даврида фракция аъзоларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида жами 43 та тадбир, шу жумладан, 12 та семинар, 31 та давра суҳбати ташкил этилди. Бундан ташқари, 59 маротаба фракция йиғилиши ўтказилиб, уларда 319 та масала кўриб чиқилди.

Умуман олганда, 2023 йилда фракция партия билан узвий алоқа ўрнатган ҳолда бир қатор амалий ташаббуслар билан чиққани брифингда алоҳида таъкидланди. Ўзаро ҳамкорликда ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, пенсионер ҳамда ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.

Брифинг сўнггида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
мухбири.



ДУНЁДА САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

2024 йил халқаро майдонда, айтиш мумкин бўлса, сайловлар йилига айланади. Сабаби, ер юзидаги 60 дан ортиқ давлатда бу йил сайловлар ўтиши режалаштирилган. Қонунга мувофиқ жорий йилда юртимизда парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиши кутилмоқда. Дунё аҳолисининг тахминан 4,2 миллиарди жорий йилда сайловларда иштирок этиши кутилмоқда.

Сайлов – мустақил шахсларни маълум бир ғоя ва мақсад атрофида бирлашти-

Аъзолар 5 йил муддатга сайланади. Шунингдек, 9 март санасидан кечиктирилмасдан Президентлик сайлови ҳам бўлиб ўтиши кутилмоқда. Покистонда Президент ҳам 5 йил муддатга сайланади.

Шу йил март ойида Туркияда маҳаллий сайловлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Одатда Туркия маҳаллий сайловларида шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ва шаҳар кенгашлари аъзолари, маҳалла посбонлари каби мансабдорлар сайланади.

Сайланган сенатор ва депутатлар АҚШ тарихидаги 119- Конгресс таркибига ки-ради.

2 июнь куни Мексикада умумий сайловлар бўлиб ўтади. Сайловчилар 6 йил муддатга янги Президентни, Депутатлар палатасининг барча 500 нафарини уч йил муддатга ва Сенатнинг 128 нафар аъзоларини 6 йил муддатга сайлашади. Мексика сайлов қонунчилигига кўра, Депутатлар палатасининг 300 нафар депутати тўғридан-тўғри, қолган 200

Бу йил Жанубий Африка Республикасида янги Миллий Ассамблея (парламент)ни, шунингдек, ҳар бир провинцияда қонун чиқарувчи органини сайлаш учун умумий сайловлар бўлиб ўтади. Эътиборлиси, амалдаги парламент ваколати тугатганидан сўнг 90 кун ичида сайлов кунини Президент белгилайди.

Гана фуқаролари 7 декабрь куни мамлакат Президенти ва парламентнинг 275 аъзосини сайлайди. Мамлакат қонунчилигига кўра, айтиш мумкин бўлса, сайловлар йилига айланади.



» **Дунё саҳнидаги йирик куч марказлари қутблашаётган, сиёсий мотивлар орқали конфликтлар чуқуралашаётган даврда сайловлар дунё аҳли учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлишини қайд этиш жоиз.**

рувчи, уларнинг хоҳиш-истакларини ифодаловчи воситадир. Шу маънода ер шаридаги 60 дан ортиқ мамлакатда сайлов жараёнларининг бўлиб ўтиши халқаро ҳамжамият учун катта аҳамиятга эга.

Сайловлар халқаро ва минтақавий куч марказларидаги ҳокимиятларнинг алмашишига олиб келиши мумкин. Маълумки, янги кучларнинг ҳокимият тепасига келиши кўп ҳолларда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида янги тенденцияларни бошлаб беради. Занжир реакцияси тарзида кечадиган бундай жараёнлар халқаро майдоннинг амалдаги тартиботи ва мувозанатига таъсир этмай қолмайди. Шу сабабдан халқаро майдондаги ҳар бир воқеликдан хабардор бўлиб бориш муҳимдир.

ОСИЁ ҚИТЪАСИДА

Озарбайжонда 7 февраль куни Президентлик сайлови бўлиб ўтиши кутилмоқда. 2018 йилда етти йиллик муддатга сайланган Илҳом Алиев навбатдаги Президентлик сайловини 2025 йилда эмас, балки 2024 йилда ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

Бу йил Грузияда Президентлик ва парламентга сайловлар бўлиб ўтиши белгиланган. Грузияда Президент 5 йил муддатга, 150 нафар аъзодан иборат парламентнинг 30 нафар вакили тўғридан-тўғри, 120 нафари эса пропорционал тизим орқали 4 йил муддатга сайланади.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида Ҳиндистон парламентининг қуйи палатаси, яъни Лок Сабҳага сайловлар бўлиб ўтади. Қуйи палата 543 депутатдан иборат бўлиб, улар 5 йил муддатга сайланади.

Покистонда 8 февраль куни Миллий Ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтиши белгиланган. Эътиборлиси, Қуйи палатада мусулмон бўлмаганлар ва аёллар учун алоҳида ўринлар ажратилади.

ЕВРОПА ҚИТЪАСИДА

6-9 июнь кунлари Европарламентга сайловлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Европарламентга сайловлар 1979 йилда бошланган ва бу йил 10-бўлади. Унинг аъзолари сони 705 нафар депутатдан иборат.

Россия Федерациясида 17 март куни Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Бу сайлов Федерация ташкил қилинганидан бери саккизинчи Президентлик сайлови ҳисобланади. Президентликка номзодлар 35 ёшга тўлган, 25 йил Россия ҳудудида яшаган бўлиши кераклиги каби талабларга мос бўлиши керак. Президентнинг ваколат муддати 6 йил.

Буюк Британияда 2 май куни маҳаллий сайловлар бўлиши режалаштирилган. Бу йилги маҳаллий сайловларда Англияда кенгаш ва мерлар, шунингдек, Уелс ва Англияда полиция ва жиноят комиссарлари сайланади.

Финляндияда 28 январь куни Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Агар шу куни номзодларнинг бирортаси 50+ овоз йиғса, 11 февралга белгиланган иккинчи босқич сайлови бўлмайди. Финляндияда Президент 6 йил муддатга сайланади.

Ноябрь ойида Руминияда Президентлик сайлови бўлиб ўтиши кутилмоқда. Руминия қонунчилигига кўра, Президент олти йил муддатга сайланади ва айтиш мумкин бўлса, сайловлар йилига айланади.

АҚШда 5 ноябрь куни мамлакат Президенти ва Конгресснинг иккала палатаси учун сайловлар бўлиб ўтади. Унда Қўшма Штатлар фуқаролари кейинги 4 йиллик муддатдаги ўзларининг 47-президентларини, олти йиллик муддатга Сенаторларни ва икки йиллик муддатга Вакиллар палатасининг аъзоларини сайлашади.

нафари пропорционал усулда сайланади. Сенатнинг 96 нафар сенатори тўғридан-тўғри, 32 нафари эса пропорционал тартибда сайланади.

Жорий йилнинг 27 октябрь куни Уругвайда умумий сайловлар бўлиши режалаштирилган. Унда сайловчилар мамлакат Президенти ва парламентининг иккала палатаси номзодлари учун овоз беришади. Уругвай сайлов қонунчилигига кўра, Президент тўғридан-тўғри, парламентнинг иккала палатасининг аъзолари эса пропорционал сайлов тизими асосида сайланади.

Венесуела қонунчилигига кўра, 2025 йил 10 январь куни янги Президент лавозимга киришиши лозим. Шунинг учун 2024 йил якунига қадар мамлакатда Президентлик сайлови бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда. Венесуелада Президент бир босқичли сайлов йўли билан 6 йил муддатга сайланади.

Бразилияда муниципал сайловларнинг биринчи босқичи 6 октябрда бўлиб ўтиши белгиланган. Унда сайловчилар мамлакат ҳудудидаги барча шаҳарларнинг ҳокими ва ўринбосарларини, шунингдек, шаҳар кенгашларининг аъзоларини сайлашади. Аҳоли сони 200 мингдан ошқ бўлган шаҳарларда эса сайлов икки босқичда бўлиб ўтади.

АФРИКА ҚИТЪАСИДА

2024 йилда Тунисда Президентлик сайлови режалаштирилган. Президент давлат бошлиғи ҳисобланса-да, ҳукумат бошлиғи бўлган Бош вазир ҳам кенг ваколатларга эга. Мамлакат Конституциясида ҳар бир ислом динига эътиқод қилувчи 35 ёшга тўлган фуқаро Президентликка номзод бўлиши мумкинлиги белгиланган.

муддатдан ортиқ Президентлик лавозимига кириша олмайди. Президент икки мандатли округлардан 4 йил муддатга, парламент аъзолари эса бир мандатли округлардан 4 йил муддатга сайланади. Парламентга номзодлар 18 ёшга тўлган, ўз номзодини қўяётган сайлов округида камиди 5 йил яшаган бўлиши керак.

Шу йил декабрь ойида Жазаирда Президентлик сайлови бўлиб ўтиши кутилмоқда. Жазаир қонунчилигига кўра, мамлакат Президенти 5 йил муддатга икки босқичли тизим орқали сайланади. Агар номзодларнинг ҳеч бири мутлоқ кўп овоз йиғолмаса, унда энг кўп овоз йиғган икки номзод иккинчи босқичда кураш олиб боради.

Мавританияда ҳам 22 июнь куни Президентлик сайлови бўлиб ўтиши режалаштирилган. 2006 йилги Конституциявий референдумга кўра, Президент 5 йил муддатга сайланиб, номзодларнинг ёши 40 дан 75 гача қилиб қатъий чегараланган. Шунингдек, номзод албатта мусулмон бўлиши ва айтиш мумкин бўлса, сайловлар йилига айланади.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, Эрон ва Жанубий Кореяда қонун чиқарувчи органлар учун сайловлар, Тайвандек қайноқ нуқтада ҳам Президентлик ва қонун чиқарувчи органлар учун сайловлар бўлиши қайд этилган. Дунё саҳнидаги йирик куч марказлари қутблашаётган, сиёсий мотивлар орқали конфликтлар чуқуралашаётган даврда сайловлар дунё аҳли учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлишини қайд этиш жоиз.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

MUNOSABAT

7 ХАБАР

ЧИҚИНДИ УЧУН ПУЛ ТЎЛАШ МУХИМ

2024 йилнинг 1 июнидан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида чиқинди хизматлари бўйича 6 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;

2024 йилнинг 1 ноябридан республиканинг барча ҳудудида чиқинди хизматлари бўйича 3 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;

2025 йилнинг 1 январидан эътиборан республиканинг барча ҳудудида чиқинди хизматлари бўйича 1 ойлик қарздорлик учун электр энергиясига тўловни амалга оширишда чекловлар ўрнатилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 4 январда имзоланган "Чиқиндиларни бошқариш тизimini такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб қўйилмоқда.

ВОДИДА ЭЛЕКТРОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Хитойнинг "DongFeng Special Car" компанияси Фарғона вилояти Фурқат туманида 2 босқичда, умумий қиймати 100 миллион долларга тенг бўлган, йилига 1000 нафар электробуслар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган.

Шунингдек, Андижон вилояти ҳокимияти ва "Lanzhou Guangtong New Energy Automobile" компанияси раҳбарияти 100 млн долларлик икки томонлама меморандум имзолаган. Вилоятда йиллик қуввати 2000 та электроавтобус ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

САРИОСИЁГА ПАРВОЗ

Махсус ишчи гуруҳ 5 январь куни Let L-410 ҳаво кемасида Тошкент—Термиз—Сариосиё—Тошкент йўналишида илк синов парвозини амалга оширди.

Хабар берилишича, ICAO халқаро нормаларига мувофиқ, Сариосиё аэродромидан фуқаро авиацияси парвозларида фойдаланиш талаблари, мавжуд инфратузилма, Сариосиё аэродромининг ATR-72 ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятлари ўрганилган. Тегишли ишлар якунланганидан сўнг ATR-72 ва Let L-410 ҳамда ундан кичик турдаги ҳаво кемалари орқали авиакатновлар йўлга қўйила бошланади.

БИРИНЧИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИГАН ВАКЦИНА

Ўзбек олимлари томонидан генетик векторлар ва помидор ўсимлиги асосида коронавирус инфекциясига қарши биринчи марта помидор ўсимлигидан тўғридан-тўғри истеъмол қилинадиган янги авлод COVID-19 вакцинаси яратилди.

Яратилган TOMAVAC вакцинаси синовлари сиқонлар ва кўнгилли инсонлар қон зардобада (IgG) ҳамда ичакда юқори микдорларда нейтралловчи антитаначалар (IgA) ҳосил бўлишини исботлади.

Тажриба сиқонларда ва кўнгиллилларда ножўра таъсирлар кузатилмагани айтилади. Ушбу тадқиқот TOMAVACни икки босқичли (ичак шиллик пардаси ва қонда) ҳимояни таъминловчи хавфсиз вакциналигини кўрсатди ва у биринчи тўғридан-тўғри истеъмол қилинадиган COVID-19 вакцинаси сифатида илмий ҳамжамиятга тақдим этилди.

UZTEX МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Ўзбекистондаги 10 дан ортиқ тўқимачилик компаниялари халқаро WRAP (Worldwide Responsible Accredited Production) стандарти сертификатига эга бўлди.

WRAP сертификати ижтимоий стандартларнинг энг мураккабларидан бири бўлиб, UZTEX Group даги ишлаб чиқариш АҚШга махсулот экспорт қилиш учун зарур бўлган барча ижтимоий меъёр ва қоидаларга мувофиқлигини тасдиқлайди. Ушбу қадам Ўзбекистон тўқимачилик саноати эътибор қаратаётган сифат ва ахлоқнинг юқори стандартларини акс эттиради.

Эслатиб ўтамай, UZTEX Ўзбекистонда ҳам, Марказий Осиёда ҳам ушбу стандартни олган биринчи корхона бўлди. Айни пайтда яна 10 та корхона WRAP сертификатини олиш босқичида.

FIE РЕЙТИНГИДА БИРИНЧИМИЗ

Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE) 2024 йил январь ойи учун ёш тоифаларида спортчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилди. Эътиборлиси, унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларининг аксарияти юқори поғоналардан ўрин олишган.

Хусусан, Дилназ Мурзатаева шпага, Фернанда Эррера эса сабла йўналишида рейтинг пешқадами сифатида эътироф этилди. Жамоавий дастурда эса, саблячи йигитларимиз биринчи, қизларимиз иккинчи, шунингдек, шпагачи қизларимиз учинчи ўринда қайд этилган.

ЧИҚИНДИ ЭЛЕКТРОМОБИЛДА ТАШИЛАДИ

Энди Ўзбекистонда чиқинди ташинишда электрда юришга мўлжалланган техника воситасидан фойдаланилади. Электромобиль Хитойдан келтирилган бўлиб, тўлиқ қувватда 300 километр масофани босиб ўтади. Бу эса кун давомида аҳоли яшаш пунктларидан чиқиндиларни олиб, махсус полигонларга ташиниш имконини беради. Ушбу электромобиллар 3 тоннагача юкни бемалол кўтара олади.

КУТИЛГАН ЙИЛ

2024 йил мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни мизга йўллаган Янги йил табригидаги ният, ғоя ва Депутатлар, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари,



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон халқ шоири.

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР КЎПАЙВЕРСИН!

— 2024 йилга яхши кайфият, янада катта куч, янги ташаббуслар билан қадам қўйдик. Зиммамизда жиддий ва масъулиятли вазифалар турибди.

Бу йил мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинганни эшитганимда, тўғриси, кўнглим тоғдек кўтарилди. Табиийки, ёшларга бўлган эътибор ҳар томонлама кучаяди, янги иш ўринлари яратилади, бизнес, ишлаб чиқариш кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг янги йил табригида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида айтган устувор йўналишлари Қорақалпоғистонда режалаштирилаётган кенг кўламли ишларда дастуруламал бўлмоқда.

Айтиш керакки, 2023 йилда ҳам кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳамма қатлами учун имтиёз ва имконият эшиклари очилди. Ҳаёт даражаси кўтарилди. Йўللار, кўприклар, шифохоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалар, обод қишлоқлар бунёд этилди. Эҳтиёжманд аҳоли, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида режали ишлар олиб борилди.

Барча ҳудудларда бўлгани каби бизнинг овул ва қишлоқларимизда, шаҳарларимизда ҳам ёшлар ўртасида бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилди. Буларни эътироф этмасак бўлмайди, албатта.

Ўтган йили банклар томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларга 300 млн сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган эди. Бу йил эса бу микдорнинг янада кўпайиши учун аниқ дастур ва режалар ишлаб чиқилмоқда.

Битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан бу йил 10 мингдан ортиқ ёшларни доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Минглаб йигит-қизларга касб-хўнар, тадбиркорликка йўналтирилаётган замонавий касблар ўргатилади. Илғор фикрлайдиган, бунёдкор ғоялар билан яшайдиган ёшларимиз сафи янада кенгайди. Бу албатта, жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим пойдевор бўлади.

Энди тасаввур қилинг, бу орқали қанчадан-қанча иқтисодори ёшларимиз кашф этилади, истеъдодини намойён этади. Бу қобилиятли йигит-қизларимизнинг руҳиятига ҳам сокинлик олиб киради, деб ўйлайман. Чунки инсон ўзи қизиққан иш билан шугулланса, ундан фақат роҳатланади.

Жорий йилда лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур маблағларни сарфлаш ҳисобига иш ўринлари яратиш мақсадида кредит олувчиларнинг 1292 нафари ҳисобга олинган. Уларга 1 млрд сўмгача кредитлар берилиши назарда тутилмоқда.

Хуллас, халқимизнинг янги 2024 йилдан умиди жуда катта. Ишлаб, тажрибамни ошираман, бизнес қиламан, иш ўрни яратаман, деган киши учун имтиёзлар, имкониятлар етарли. Фақат салоҳиятни намойён этиб, белни маҳкам боғлашда ҳамма гап. Интилиш, изланиш, имконият бор жойда фаровонлик сари қўйлаётган улғ мақсадларнинг оидин эшиклари албатта, очик бўлади.



Олим РАВШАНОВ, ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

— Янги Ўзбекистонни қураб эканмиз, фикрлаши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача бўлган, муаммолардан қўрқмайдиган, руҳияти тетик янги авлодни вояга етказишдек тарихий бурч, улкан масъулиятли вазифа зиммамизда турибди. Бунинг учун ёшларга эътибор керак, таълимга, тарбияга ёндашув тубдан ўзгариши керак.

Кейинги йилларда амалга оширилган изчил ислохотлар ушбу соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган тизимли, айтиш мумкинки, эски муаммоларни тугатиб, янги давр пойдеворини бунёд этиш учун мустаҳкам замин яратди, десак хато бўлмайди.

Ҳозир мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёшлар кириб келмоқда. Демак, ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хўнарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масала.

Бир нарсани очик тан олишимиз керак. Биз кўп йиллар мобайнида бу йўналишда ҳақиқий ҳолатни очик тан олмай келдик, реал вазият қогоздагидан фарқ қилган ҳоллар кўп бўлди, ўзимизни алдадик. Депутатлик назорати олиб борганимизда бунга кўп гувоҳ бўлганмиз. Оқибатда, нима бўлди? Ёшларни иш билан таъминлаш, қобилиятиларга реал имконият бериш масаласи парда ортида қолаверди. Натижа эса аччиқ: бугун ёшларга иш керак. Эндиликда ана шу аччиқ ҳақиқат иш столининг остидан стол устига олиб чиқилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 976 661 нафар ёшлар бор. Ўтган йили уларнинг 39567 нафари иш билан таъминланди. Ҳозир 43957 нафари йигит-қизларни иш билан таъминлаш вазифаси олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Ушбу рақамнинг ўзи ҳам масалага тизимли ёндашув кечиктириб бўлмас вазифа эканини яққол кўрсатиб турибди.

Айрим ҳудудларда саноат корхоналари ва кластерларда доимий вакант иш ўринлари мавжуд. Лекин кўлидан иш келадиган ёшлар бундан беҳабар бўлади. Демак, биз воситачи бўлишимиз керак. Вакант иш ўринларини ўрганиб, сайлов округларига қичқанимизда бу ҳақида ишсиз ёшларга маълумот беришимиз, уларнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб ишга жойлаштиришга бош-қош бўлишимиз зарур. Тўғри, ўтган йили ҳам, олдинги йилларда ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилди, тажриба ҳам тўпладик. Эндиликда ушбу фаолиятимизни янада кучайтириш зарур, деб ўйлайман.

Бугун ҳар бир масъул идора раҳбари ўз вазифаларининг энг аввалига ёшлар билан иш олиб боришни қайд этиб қўйгани аниқ. Чунки замон, давлатимиз раҳбарининг талаби шу. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ушбу йўналишда чора-тадбирлар режасини белгилаб олдик. Эндиликда ҳар бир депутат ҳар ҳафта ёшлар билан учрашади, бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, ишсиз ёшларни касб ва тадбиркорликка ўқитишда фаол қатнашамиз, улар билан елкама-елка тураемиз, муаммоларни биргаликда ҳал этаемиз.



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.

ЁШЛАР БИЛАН БИРГАМИЗ!

— Тўғриси айтганда, 2024 йил бизнинг йилимиз бўлгани ҳар бир ёшнинг қалбини ҳаяжонга, фахр ва ифтихорга тўлдирди. Қўлаб тенгдошларим қатори мен ҳам ўзимни омадли ёшлардан бири ҳисоблайман. Ёшлар учун имкониятлар эшиги шунчалик очикки, бунга эътироф этмаслик катта хато дир.

Ёшлар билан ишлаш, уларнинг орзу-мақсадларини амалга оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг устувор вазифаларидан биридир. Йигит-қизларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган йили "Сафимиздаги ёшлар" лойиҳаси доирасида партия тизимида ишлаб, давлат ташкилотларининг юқори лавозимларида фаолият кўрсатаётган ёшлар билан 845 та учрашув ташкил қилинди. Лойиҳа доирасида алоҳида эътиборига мўҳтож 396 нафар ёшлар депутатларга бириктирилиб, улар билан индивидуал иш олиб борилди, 2725 нафар ишсиз ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топшишга кўмаклашилди. 3503 нафар ёшлар қайта касбга-хўнарага тайёрлаш бўйича йўналтирилди. Ногиронлиги бўлган 1216 нафар ёшларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳозир партияимизга 228 648 минг нафар ёшлар аъзо. Улар бизнинг етакчи кучимиз, илғор ғоямиздир. Биз уларга таянамиз ва сунанамиз.

Ижтимоий ҳаётимиз, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар бир ёшни мустақил фикрлайдиган, жамиятда фаол, қийинчиликларни қўрқмасдан енгиб ўта оладиган шахс сифатида камолга етказиш кўзда тутилмоқда. Халқимиз турмушини янада яхшилайдиган, мамлакатимизнинг маъқеини оширадиган, жаҳондаги илғор тараққиёт ва ривожланиш тенденцияларини барча соҳаларга олиб кира оладиган янги авлод кадрлари ўз-ўзидан етишиб чиқмайди, албатта. Бунинг учун ёшлар билан кўпроқ ишлаш керак, уларнинг таълим-тарбиясига эътиборни янада кучайтириш, муаммоларини ҳал этиш, орзу-мақсадлари сари интилишларини фаол қўллаб-қувватлаш керак, албатта.

Партияимиз ташаббуси билан ушбу амалий ишларни давом эттирган ҳолда фаол ёшларимиз, партияимизнинг Ёшлар парламенти аъзолари ва жойлардаги депутатларимиз билан ҳамкорликда меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш ва аниқланган мутахассисликлар бўйича ёшларимизни устоз-шоғирд аънанаси асосида касб-хўнарга ўргатиш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилапти.

Ҳудудларга чиқиб, уйма-уй юриб, аҳоли, хусусан, ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишларида ёш депутатларимиз, фаол йигит-қизларимиз кўпчилик.

Жорий йилда ҳам режаларимиз жуда катта. Ёшлар билан кўпроқ ишлаймиз, ҳар бир маҳаллага, керак бўлса, ҳар бир хонадонга кириб борамиз. Йигит-қизлар билан уларнинг ёнида туриб ишлаймиз, муаммоларини ўрганимиз, депутатларимиз кўмагида ҳал этаемиз. Ҳозир янги лойиҳалар устида ишляпмиз. Мақсадимиз — ҳар бир ёш ҳаётда ўз ўрнини топсин, ўқисин, орзуларини қўрқмасдан амалга оширсин!.

БЎЛИШНИ ИСТАЙМИЗ!

қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинди. Давлат раҳбарининг халқификрларни тинглаб, кимнинг кўнглидан қандай гаплар ўтгани, албатта, қизиқ. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ёшлар ўз ўй-фикрлари билан бўлишди.



Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

— 2023 йил тарих зарварақларида муҳрланиб қолди. Айниқса, юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, бандлиги ва тадбиркорлигига қўмаклашиш, сифатли таълим олиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Ўтган даврда ёшлар билан боғлиқ йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ёшлар билан ишлаш бўйича эса мутлақо янги – вертикал бошқарув тизими яратилди. Юртимиздаги барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Бу тизим орқали маҳаллада ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар берилди. Бизнесни бошлаш истагида юрган минг-минглаб ёшларга амалий ёрдам берилди, имкониятлар, имтиёзлар янада кенгайтирилди.

Жорий йилга "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилиши замирида ҳам чуқур маъно мужассам. Бу ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ташаббусларини рўёбга чиқаришга устувор аҳамият қаратилади, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилади, дегани.

Ёшлар билан ишлаш бўйича долзарб масалалар ҳали ҳам кўп. Энг муҳим вазиламиз, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиш беришдан иборат, албатта. Сайловчилар билан учрашувларда ёшлар билан кўп мулоқот қиламиз. Худудларда ўз бизнесини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг қайсидир турига қизиқиши бор, истеъдодли, қобилиятли ёшларимиз жуда кўп. Фақат уларга ҳуқуқий маслаҳат, молиявий томондан кўмак керак. Биз ёшларни қўллаб-қувватласак, улар нафақат даромад топади, балки, атрофидаги тенгдошларини ҳам ишли қилади, бу орқали худудларда инфратузилма ривожланади.

"Ўзбекистон—2030" стратегиясида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш устувор вазифа сифатида белгилангани эътиборга молик. Хусусан, 400 минг нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш, ёшларнинг ишсизлик даражасини 14 фоиздан 11 фоизга камайтириш мақсад қилинган.

Ишончим комилки, янги йилда ҳам иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш, илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.



Нурмурод СИРОЖОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ёшлар парламенти аъзоси.

ЯНГИ МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРДИ

— Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун эди. Ушанда биз ёшлар учун имкониятлар янада кенгайтириш, бугунимиз, келажагимиз учун барча имкониятлар ишга солинишига тўлиқ ишонганман ва бундан жуда қувонгандим. Бизни ҳар йили яхши янгиликлар, имкониятлар билан хурсанд қилмоқда.

Йигит-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, минглаб талабаларга таълим кредити берилди, қанчадан-қанча хотин-қизлар магистратурада бепул ўқимокда. Минглаб эҳтиёжманд талабага контракт пуллари харажатлари тўлаб берилди, яна қанча талабага ўй-жой ижараси тўлови ажратилди. "Ёшлар дафтари" орқали йигит-қизларга мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда.

2024 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш эътиборимиз марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилади, ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарилади.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг табригида айтилган гаплар, тилга олинган масалаларнинг нақадар долзарблигидан мен жуда қувондим.

Жорий йилга "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилиши замирида ҳам чуқур маъно мужассам. Бу ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ташаббусларини рўёбга чиқаришга устувор аҳамият қаратилади, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилади, дегани.



Шоҳишта НАБИЕВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси
ўринбосари.

АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР – ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОРДИР!

— Ҳаммамиз хотин-қизларга бўлган эътибор йилдан йилга кучайиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Уларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда аёлларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этиш алоҳида устуворлик касб этмоқда. Натижада бугун хотин-қизларимиз нафақат фарзанд тарбиясида, балки турли соҳаларда, маҳаллаларда фидоийлик кўрсатмоқда. Энг муҳими, эътибор ва эъзоз самарасини ҳар бир аёл ўз ҳаёти, оиласи мисолида ҳис қилмоқда.

Масалан, тўлов контрактда ўқиётган хотин-қизлар фоизсиз таълим кредити олиш ҳуқуқига эга бўлди. Айрим тоифадаги хотин-қизларга ОТМга кириш учун тавсиянома берилди. Хотин-қизларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларга имтиёзли ўй-жойлар берилди. Умуман олганда, имтиёзлар жуда кўп, имкониятлар ҳам кенг, ҳамма гап улардан оқилона фойдаланишда.

Кириб келган янги 2024 йилда ҳам биз аёлларга эътибор кучайишини эшитиб, рост бошим осмонга етди. Давлатимиз раҳбари халқимизга йўллаган Янги йил табригида хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилишини алоҳида таъкидлади. Демак, "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да ҳам ҳаммамиз, мамлакатимиздаги ёшлар қисми давлатимиз ғамхўрлигини доим ҳис этиб туришади. Бу халқимизнинг руҳини кўтариши аниқ. Руҳи баланд кишининг эса мақсади ҳам улғу, қадами қатъиятли бўлади. Бундай одамни енгил бўлмайди.

Ислохотларга ҳамоҳанг тарзда биз ҳам ёшлар, хотин-қизлар ва эҳтиёжманд инсонлар билан елкама-елка туриш бўйича янги режаларни белгилаб олдик. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган хотин-қизлар муаммоларини манзилли ўрганиб, уларга кўмак бериш ишларини тубдан такомиллаштиришмоқчимиз. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган аёллар, пенсионерлар, ёлғиз кексалар ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик ижросини янада чуқурроқ ўрганиб, амалий натижаларга эришиш муҳим вазифаларимиздан биридир.



Иноятхон ҲОШИМОВА,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси
ўринбосари.

ЯНА НИМАЛАР РЕЖА ҚИЛИНМОҚДА?

— Ҳеч кузатяпсизми, йилдан-йилга одамларимизнинг ҳаётга иштиёқи, орзуниятга интилиш шашти ортиб борапти. Бу нимадан? Албатта, кадрдан. Инсон манфаати устувор бўлган жойда одамнинг қадри бўлади. Халқи қадрланган мамлакатнинг эса, қадди ҳам баланд бўлади.

Сўнги пайтларда олиб борилаётган ислохотлар, қарор ва фармонларда ўз ифодасини топаётган масалалар аслида халқимизнинг қалбиде сақлаб юрган орзулари эмасми?! Бир мисол, бундан бор-йўғи 5-6 йил аввал олийгоҳларда қанча хотин-қиз ўқирди? Уларга қандай қулайлик бор эди? Ҳозир қанча янгилик бор? Ҳозир олийгоҳларда ўқиётган қанча? Камида 4—5 баробарга кўп. Тўғриси, хотин-қизлар учун таълим шароитларини кенгайтириш бўйича қабул қилинган тарихий қарорлар, эзгу ташаббуслар бир пайтлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмасди-ку.

Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида биз ҳам жорий йилдаги режаларимизни белгилаб олдик. Жумладан, аёлларимизнинг ўз бизнесини ташкил этиши, бизнес ғояларини тайёрлашга ёрдам бериш, узоқ вақт давомида бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни талаб катта бўлган касбга тайёрлашда фаол иштирок этишни мақсад қилдик.

Аслида хотин-қизларни иш билан таъминлаш кўп муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Оилавий келиш-мовчилик, оилавий ажримлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик каби иллатларнинг камайишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Эзгу ишлар кўпайса, қанча хонадонларга қувонч киради, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати ўзгаради, юзлаб, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг ўзига, ҳаётига, бахтига ишончи мустаҳкамланади.

Қўш саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

ХОТИРА

ЯХШИЛИКДАН ҲАЛОВАТ ТОПГАН ПАРТИЯДОШИМИЗ ХОТИРАСИГА



Туғилиш ва ўлим. Бу икки эшик орасида ўтадиган инсон ҳаёти бир неча фаслларга бўлинади. Гўдалик, болалик, ўсмирлик, ёшлик, кексалик каби узун йўлдан ўтган умрни ҳар ким ўз билганича яшаб ўтади. Кимдир яхшиликлар, хайрли ишлари билан ёдга олинса, яна биров одамларга кўрсатган меҳри билан хотирланади. Муҳими, кимгадир қисқа, кимгадир узоқ тақсимланган ҳаётда яхши ном қолдиришдир.

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани "Исковот" қишлоғида яшаб ўтган Соҳиба Жуманова яхши ном қолдиришга интилган инсонлардан эди. Улар ўзларидан яхши фарзандлар, эзгу амаллар қолдирди.

1986 йилларда Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг аграрном мутахассислигини тамомлаган. 3-нафар ўғилнинг орасида воёга етган қиз учун бу жуда қатъиятли қарорлардан бири эди. Чунки, у пайтларда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиш, айниқса, қизларга осон бўлмаган. Оғир меҳнат шароитлари, унча катта бўлмаган маош ҳам унинг ўз ишига нисбатан меҳрини камайтира олмади.

Жамоа хўжалигида бошланган фаолият туман касаба уюшма кўмитасида давом этди. Меҳнатқашлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бефарқ эмаслиги сабаб узоқ йил ушбу ташкилотда фаолият олиб

борди. 1998 йилда эса, туман "Соғлом авлод" жамғармаси директори, 2001 йилдан Наманган вилоят "Аёл ва саломатлик" уюшмасида ижрочи директор лавозимида фаолият юртиди. Шу тариқа бир қанча ташкилотларда раҳбарлик вазифаларида фаолиятини давом эттирган Соҳиба Жуманова 2012 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгиқўрғон туман кенгаши раисининг ўринбосари сифатида сиёсий фаолиятга кириб келди.

Соҳиба Жуманованинг эзгу фаилатлари унинг элда азиз бўлишининг омили эди. 2013 йилдан то умрининг охиригача қадар Халқ демократик партиясининг Янгиқўрғон туман кенгаши раиси сифатида фаолият олиб бориб, ушбу туман партия кенгаши Республикадаги энг намунали туман партия кенгашига айланган.

У ислохотларга ҳам, одамларнинг ташвишига ҳам бефарқ эмасди. Юртимиздаги демократик ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, амалиётга жорий этиш борасида мунтазам фаоллик кўрсатиб келган.

У билан бирга ишлаган одамлар билан гаплашсангиз, фақат илқ гаплар, юзда мамнунлик ифодаси билан ёдга олганининг гувоҳи бўласиз. Аёлни яхшироқ билганлар унинг ишни тўғри ташкиллаштириши, устувор вазифаларни белгилашда катта тажрибага эга бўлганини таъкидлайди.

Мархуманинг шогирдларидан бири, айни пайтда Наманган вилояти партия кенгашининг ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш сектори мудир сифатида ишлаб келаётган Сарвиноз Эшалиева устозини қуйидагича хотирлади:

- Устозим Соҳиба ая партияимизнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, сайлов қонунчилигини мукамал биларди ва қизиқарли тушунтира олардилар. Улар самарали фаолият кўрсатиб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ажралиб, алоҳида хурмат қозонгандилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурини ҳаётга татбиқ қилишда доим фаоллик кўрсатардилар. Устозимнинг иродаси,

яхшиликсеварлигига доим ҳавас қилардим. Оилада ҳам намунали турмуш ўртоқ, меҳрибон она, меҳрибон қайнона эдилар...

Чиндан ҳам, партия ғояларини тарғиб қилиш билан бир қаторда Соҳиба Жуманова маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига туманда ечимини кутаётган долзарб масалаларни ҳам ўз вақтида киритиб, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашда жонбозлик кўрсатган. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилаларни яраштириш ҳамда хотин-қизларнинг ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредитлар олишига доимо бош-қош бўлган. Опа-сингиларимизнинг мурожаатларини ҳал этмагунча тиним билмаган.

Мархуманинг партиядошлари уни сиёсий фаол, қатъий сиёсий позицияга эга раҳбар, туман кенгаши аъзолари ва фаоллари ичида хурматга, эътиборга эга инсон, деб таърифлайди.

Кўп йиллик депутатлик фаолияти давомида давлат ва жамият бошқаруви, ҳуқуқий ҳамада ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳаётий тажриба тўплаган сиёсатчи аёл кўпчиликка ўрнак, мотивация бўлгани эса ҳақиқатдир.

Соҳиба опа кечагина ҳам ёнига келган юртдошининг мурожаатини ҳал этиш билан банд эди. У оғир шароитдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан яқиндан ишлаб, уларнинг қалбларига меҳрибон она сиймосида кириб бориб, ўқсик дилларига малҳам бўлган. Бир сўз билан айтганда, Соҳиба опа атрофдагиларнинг қувончу ташвишини ўзиники билиб, қалбан ҳис қилган, бутун ҳаёти ҳамда фаолиятини бошқаларга кўмаклашиш асосига қурган, яхшилик қилиб ҳаловат топадиган инсон эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўп минг сонли аъзолари номидан мархуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Соҳиба Жумановадек фидойи инсонлар хотираси қалбларимизда мангу қолади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари.

БИЛАСИЗМИ?



Қонунчиликка кўра, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси берилиши жорий этилган.

Болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори қуйидагича этиб белгиланган:

- 3 ёшдан 18 ёшгача 1 нафар фарзанд учун – 250 минг сўм;
- 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанд учун – 325 минг сўм;
- оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча – 150 минг сўм;
- оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун – 100 минг сўмдан.

Шунингдек, ёлғиз фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга ойлик 380 минг сўм моддий ёрдам тайинланади.

Маълумот учун: болалар нафақаси 18 ёшгача болалар учун 12 ойгача тўланади.



Иш берувчи иш ҳақини, таътил тўловларини, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги тўловларни ёки ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш мuddатини бузган тақдирда, уларни тўлов мuddатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган мuddатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фозилар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт.

Ходимга тўланиши лозим бўлган пулли компенсациянинг миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 10 фоизи миқдоридан белгиланади.

Мазкур пулли компенсацияни тўлаш мажбурияти иш берувчининг ойлик иш ҳақини ёки ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлашнинг кечиктирилишида айби бор-йўқлигидан қатъи назар юзага келади.

t.me/huquqiyaxborot

ҚАРОР ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?



Мамлакатимизда яхши қонунлар, яхши қарорлар анча кўпайди. Деярли ҳар бир соҳа бўйича стратегик ҳужжатлар қабул қилинган, вазифалар аниқ белгиланган. Уларнинг вақтида, самарали ижро этилиши жуда муҳимдир.

2022 йил 18 апрелдаги "Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг Бухоро вилоятидаги ижроси вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзолари томонидан ўрганилди.

Аввало таъкидлаш керакки, жамиятимизда аҳолининг турли тоифалари қаторида жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Ногиронлиги бўлган шахсларга нормал турмуш шароитини яратиб бериш, улар юртимизда кечаётган ислохотларда фаол иштирок этиши, талаб даражасида таҳсил олиши, ўз иқтидорини юзага чиқариши, меҳнат қилиши

ва ўз олдиига қўйган мақсадига интилиши учун имкониятини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Шундан келиб чиқиб, партияимиз жойларда ўрганишлар олиб боришни тизимли йўлга қўйган. Тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда Президент қарори ижроси бўйича Бухоро шаҳридаги 24-сон "Нурли маскан" кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда олиб борилган ишлар ўрганилди. Муассаса замонавий талабларга мос таълим масканига айлантилган.

Жумладан, "Йўл харитаси"да мактаб-интернатларини брайль ёзувида мослашган махсус қурилмалар билан тўлиқ таъминлаш белгиланган ва шу асосда зарур жиҳозларни харид қилиш учун вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 320 млн. сўм маблағ ажратилган.

Мактаб-интернат учун зарур жиҳозлар белгиланган талаб ва меъёрларга мослиги ўрганилди. Эҳтиёждан келиб чиқиб, ёзиш ва ўқиш учун брайльча дисплей, ламинатор ускунаси, моноблок, брайль принтерлар

билан таъминланди. Шунингдек, бошқа зарур жиҳозларни харид қилиш ишлари ташкил этилди.

Мазкур ҳужжатнинг 10-бандида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида мактаб-интернатлар қошида ўқувчилар имкониятини инobatга олган ҳолда, ўқув устахоналарини ташкил этиш режалаштирилган экан. Унга кўра, болалар гилам тўқиш, нақш, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик каби қатор хунарларни ўрганиш имконига эга бўлади. Мазкур ишларни амалга ошириш ва тўғарақларни жиҳозлаш вазифалари қарорда белгиланган тарзда ижрога йўналтирилган. Бу ишлар учун маҳаллий бюджетдан 29 млн сўм маблағ ажратилган.

Замонавий билимга эга бўлиш учун, табиийки, шунга мос мактабларга эҳтиёж бор. Масалан, йўналишидан келиб чиқиб мактаб интернатларига парта, стол-стул, дутор, чанқовуз, доира, гитара, чанг, пианино, овоз кучайтиргич сингари мусиқа асбоблари зарур. Махсус мактабларда брайль алифбосидаги мусиқа ноталари тўплами дарсликлари, компьютер жамланмалари, яъни монитор, рангли принтерлар, проектор, интерактив доска, рақамли камера ва яна қатор замонавий техникадан фойдаланилади.

Шунингдек, тифлотехник, лингафон ускуналари, лаборатория жиҳозлари, бўртма хариталар, махсус расм приборлари ва китоб жавонлари билан таъминлаш талаб этилади. Президент қароридан ҳам бу борада алоҳида банд бўлиб, жойларда уларнинг ижроси таъминланмоқда. Вилоятимизда мазкур масала учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 290 млн сўм ажратилган бўлиши билан бирга, Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги кенгаш қарори билан мактаб-интернатларни жиҳозлаш учун 230 млн ажратилган бўлса, беш ташаббус доирасида 380 млн сўм маблағ йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида Бухоро шаҳридаги 24-сон "Нурли маскан" мактаб-интернатда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилиб, мактабнинг 324 ўринли янги ўқув биноси қурилган, 150 ўринли ошхона битказилиб, мавжуд ўқув биноси ётоқхонага мослаштирилган, бу ишлар учун 12,7 млрд маблағ сарфланган.

Депутатлар Бухоро шаҳридаги 24-сонли имконияти чекланган кўзи ожизлар мактаб-интернати худудида "Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдонча"лари ташкил этилганини ўрганди. Мониторинг жараёнида Жўйбор кўчасидаги овозли микродоридан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган мuddатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фозилар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт.

Ходимга тўланиши лозим бўлган пулли компенсациянинг миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 10 фоизи миқдоридан белгиланади. Мазкур пулли компенсацияни тўлаш мажбурияти иш берувчининг ойлик иш ҳақини ёки ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлашнинг кечиктирилишида айби бор-йўқлигидан қатъи назар юзага келади.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳар худудидан ўтувчи Ғиждувон, Навоий шоҳ, Мустақиллик, Газли шоҳ, Жўйбор, А380 "б" автомобиль йўлининг 5-13 километрлари оралиғида ва Нақшбанд кўчаларида кўриш имконияти чекланган фуқаролар қатнов қисмларидан хавфсиз ҳаракатланиши учун пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилганлиги, вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ масъул ходимлар имконияти чекланган кўзи ожиз фуқаролар ўртасида доимий тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги гувоҳи бўлинди.

Аmmo светофор олдида видеога оладиган жарима фоторадарлари бўлиши керакки, овозли светофорга ҳайдовчилар диққат билан эътибор қаратади. Қолаверса, пиёдалар йўлаги оёқ билан англанадиган махсус белгили йўлакдан шакллантирилиб, ушлаш учун махсус тутқичлар билан жиҳозланиши керак.

Биз кўрган йўлақлар эса шунчаки номигагина қурилган, холос. У қонунда белгиланган талабга жавоб бермайди. Кўзи ожизлар яшайдиган аҳоли пунктида эса, бундай махсус пиёдалар йўлаги умуман йўқ. Уйлаймики, миллионлар сарфлаб қилинаётган ижобий ишлар, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси учун кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини беради. Болаларнинг ҳаётий хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим саналади. Шунинг учун масъулар камчиликларни тез орада бартараф этишига умид билдираимиз.

Зулфия ТҶЎЕВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

Марказий банк:

БАРҚАРОРЛИК МУҲИМ



Марказий банк журналист ва блогерлар билан медиа-мулоқот ўтказди.

Мулоқотда мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлашда Марказий банкнинг макропруденциал ва пруденциал чоралари ҳақида маълумот берилди, бу борада қутилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти бўйича ахборот тақдим этилди. Шунингдек, тадбирда регулятор қарз юки бўйича талабларни барча кредитлар кесимида жорий этмоқчи эканини таъкидлади.

– Эндиликда кредит фоизи ўрнига қарз олувчининг қарз юки даражаси (DSTI) ва кредитнинг гаровга (таъминот) нисбатига асосланган талаблар жорий этилади, – дейди Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Нодирбек Сайдуллаев. – Хусусан, қарз юки бўйича талаб Ўзбекистонда ҳозиргача фақат микроқарзлар учун амал қилган бўлиб, 50 фоизни ташкил этган. 2024 йил 1 июлдан барча кредитларни беришда (микроқарзлар учун ҳам) қарз берувчиларга миқдорнинг қарз юки 60 фоиздан ошиб кетмаслиги талаби қўйилади. 2025 йил 1 январдан эса, бу кўрсаткич 50 фоизгача пасайтирилади.

Бундан ташқари, регулятор қарз юки бўйича талабда истиснолар ҳам бўлишини маълум қилди. Унга қўра, банк кредит портфелининг 15 фоизгача бўлган қисмигача қарз олувчининг қарз юки кўрсаткичини инobatга олмасдан кредит ажратишга рухсат берилди. Шу билан бирга, рухсат этилган миқдор қарз юки бўйича талабни инobatга олмасдан ажратилган кредитлар сонини барча кредитлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Жумладан, Марказий банк қарз юки ҳисоб-китобини барча кредитлар кесимида жорий қилиш орқали қуйидаги мақсадларга эришмоқчи. Хусусан:

- аҳоли даромадларини расмийлаштириш;
- кредитлашда даромади

расмийлаштирилган қарз олувчилар рағбатлантирилиши;

- норасмий даромадларни баҳолашни формаллаштириш;
- банкларни масъулиятли кредитлашга (responsible lending) жалб этиш.

Медиа-мулоқот давомида мазкур макропруденциал чора халқаро тажрибада мавжуд экани таъкидланди.

Эндиликда қарз юки кўрсаткичи кредит (микроқарз) бўйича ўртача ойлик тўловлар миқдорининг ўртача ойлик даромад миқдорига нисбати орқали аниқланади ва даромадларни ҳисоблашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- иш ҳақи тўғрисидаги маълумот;
- пенсия миқдори тўғрисидаги маълумот;
- жағғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумот;
- банк ҳисобварақларига тушган даромадлар тўғрисидаги маълумот;
- тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумот;
- фоизлар, дивидентлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар;
- охириги 6 ой давомида олинган доимий тарздаги даромадларни акс эттирувчи маълумотлар.

Янада аниқроқ айтганда, ушбу эълон қилинган макропруденциал ва пруденциал чоралар доирасида қатор юмшатишлар кўзда тутилмоқда. Хусусан, 2024 йил 1 февралдан доимий даромадга эга бўлган, шунингдек, камида 6 ой давомида банк ҳисобварағида маблағлар айланмасига эга бўлган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар, бундан ташқари, худди шу мақсадлар учун микромолия ташкилотларига ажратилган маблағлар учун таваккалчилик даражаси 100 фоиздан 75 фоизгача пасайтирилмоқда. Марказий банк бу орқали таваккалчилик

даражаси ва капиталга босим пасайиши ва банкнинг кредитлаш имконияти 33 фоизга ортишини режа қилмоқда.

Маълумот ўрнида, кичик тадбиркорлик субъектлари деганда яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар (таъсисчилари жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари) ва кичик корхоналар (жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари) назарда тутилмоқда.

Тўловларни ҳисоблашда эса қуйидагилар инobatга олинади:

- кредит (микроқарз)нинг тўлиқ қиймати;
- фоизлар;
- шартнома тузиш вақтида маълум бўлган бошқа тўловлар.

Қарз олувчилар қарз олувчининг ўзи, биргаликда қарз олувчи ва кафил ҳисобланади. Шунингдек, кредит муддати 36 ойдан ошганда, ўртача ойлик тўловлар миқдори ҳисоб-китобида 36 ойга тенг тақсимланади (ипотека кредитларида 120 ой).

Регулятор кредитнинг гаровга нисбати (LTV) бўйича ҳам талаблар жорий этмоқда. Бу миқдор жисмоний шахслар ипотека кредитлари учун 80 фоизни, жисмоний шахслар автокредитлари учун эса 75 фоизни ташкил этади. Бу ерда ҳам банклар ўз кредитларининг 85 фоизини кредитнинг гаровга нисбати (LTV)ни инobatга олиб, қолган 15 фоизини эса буни инobatга олмасдан, ўзининг риск аппетитидан келиб чиқиб ажратиши мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда Ўзбекистонда ҳам ипотека, автокредит, истезмол ва микроқарз каби чакана кредитларнинг таваккалчилик даражасини фоизларга боғлаш амалиётидан воз кечилмоқда. Демак, 2024 йил 1 июлдан барча чакана кредитлар бўйича қарз берувчиларга миқдорларининг қарз юки 60 фоиздан ошиб кетмаслиги талаби қўйилади. 2025 йил 1 январдан эса бу кўрсаткич 50 фоизгача пасайтирилади. Шундан сўнг, ипотека ва автокредитлар даражаси қарз юки қанча кам, гаров нисбати қанча баланд бўлса, таваккалчилик шунча пасаяди. Истезмол кредити ва микроқарзларнинг таваккалчилиги фақат қарз юки билан белгиланади.

Марказий банкнинг макропруденциал ва пруденциал чоралари эндиликда ажратилаётган кредитлар бўйича тақлиф этилаётган янги таваккалчилик даражаларига қўра регуляторни алдашга, турли манипуляцияларга ҳожат қолдирмайди. Чунки янги шкала амалдаги бозор ставкаларига анча яқинлаштирилган. Оддий тилда айтганда, банклар бу ўзгаришлардан кейин юридик шахсларга ва хусусий тадбиркорларга кўпроқ кредит беришга рағбат оладилар. Бизнес учун кредит ажратиш яна манфаатлироқ бўла бошлайди.

Медиа-мулоқотда масъуллар янгиликлар мамлакат иқтисодиётига ва банк тизими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатишини қайд этишди, журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрофлича жавоб беришди.

3 ТА БАНККА ЧЕКЛОВ, 2 ТА БАНККА ЖАРИМА

Марказий банк қўмитаси 2023 йил декабрь ойида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилмаган учун 3 та банкнинг айрим операцияларни амалга оширишига чеклов ўрнатди ва 2 та банкка нисбатан жарима санкциясини қўллади.

Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан 2023 йилнинг декабрь ойидаги йиғилишларида 46 та масала кўриб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, рўйхатга олиш ва рухсат бериш йўналишида 22 та масала кўриб чиқилиб, уларда кредит ташкилотлари уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш, кредит ташкилотларининг устав фондидаги улушига эгаллик қилиш учун рухсат бериш ҳамда тижорат банклари кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг номзодларини кўриб чиқиш каби масалалар ўрин олган.

Кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати бўйича (24 та масала) банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан Марказий банкнинг пруденциал меъёрлари талабларининг бажарилиши, банклар ва микромолия ташкилотларида ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди.

Хусусан, амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилмагани оқибатида 3 та банкка нисбатан айрим операцияларнинг амалга оширилишига чеклов ўрнатилди ва 2 та банкка эса жарима санкцияси қўлланилди. Шунингдек, Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши таъминланмагани учун 1 та ломбардга чора ва санкциялар қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Шу билан бирга, “Кенгнам банк” АЖ Бошқарув қўмитасининг қарорига мувофиқ, ушбу банкнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси фаолияти тугатилгани сабабли унга берилган аккредитация сертификати бекор қилинди ҳамда “LOMBARD MAGIC CROWN” МЧЖ ўтказилган текширув натижасида аниқланган қўпол қоидабузарликлари учун ломбардлар реестридан чиқарилди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан ўзининг тизим барқарорлигини сақлаш, омонатчилар ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принциpidан келиб чиқиб, тижорат банклари бошқарувлари зиммасига аниқланган камчиликларни тузатиш, ўрнатилган пруденциал нормативларга амал қилиш, банк фаолиятида мавжуд заифликларни бартараф этиш ва молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган талабларга риоя қилиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Тоштемир Худойқулов

500 ЙИЛЛИК СУВ ТЕГИРМОНИ

Она табиат сир-синаотга, мўъжиза ва тилсимотларга тўла. Унинг бетакрор ажойиботларидан хузуранасиз. Ғаройиб кечмиш ва афсонавий ўтмиш ҳар қандай кишини мафтун этиши табиий.

Жарқўрғонда минг йиллик умрбоқий минора борлигига Бойсунда 900 ёшли баҳайбат чинор ўсаётганини кўпчилик яхши билади. Сарисийнинг 150 килоли зотдор ҳисори қўйларидан тортиб, Деновда тирик вазни 1 тоннадан ортқ тош босадиган улкан новвосларгача кўрганмиш. Бойсунлик гиламдўзлар 30 метрли гигант гилам тўқиган бўлса, шўрчилик миришкорлар 35-40 килолик йирик ошқовоқ етиштиргани маълум...

Аммо 500 йилдан буён фойдаланиб келинаётган сув тегирмони борлигига кўпчилик ишонмаслиги табиий. Аммо бу ҳақиқат. Сарисий туманининг “Шоқишлоқ” маҳалласида 5 асрлик ана шундай усқунадан фойдаланиб келинмоқда.

Турли миш-миш ва асоссиз шов-шувларга ойдинлик киритиш мақсадида манзил томон йўл олдик.

– Ҳозирги кунда 70 ёшдаман, – дейди тегирмончи Давлат бобо



Турсунов. – Халққа रिққ улашиш ва дастурхон тўқинлигини таъминлаш аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган аънава ҳисобланади. Шажарамиз удумини еттинчи авлод сифатида давом эттираётганимдан фахрланаман.

Бобомнинг айтишларича, тегирмон бундан 500–520 йил аввал қурилган экан. Атрофдаги ёғоч ва тахталар ҳам ўша даврлардан қолган. Ўтмишда бор-йўғи 4-5 хоннадонга буғдой янчиб берилган бўлса, аҳоли кўпайиши билан бу

орта бошлаган.

– Ун тайёрлаш жараёни ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...

– Тоғлардан келаётган зилол сув парракни айлантириб, улкан тошни ҳаракатга келтиради. “Бақа” эса, пастдаги кичик тошни “жонлантиради”. “Дўл”дан пешма-пеш тушаётган буғдой улкан тошлар орасида обдон янчилади. Элакдан ўтган ипақдек майин ун бир маромда махсус жойда тўпланади.

Асрларнинг шохиди бўлган усқунамиз ҳар жиҳатдан қулай ва афзал. Унумдорлиги анча юқори. Атроф-муҳитга умуман зарари йўқ. Энг муҳими, электр энергияси ва ёнилғи талаб қилмайди...

– Бир кунда қанча махсулот ишлаб чиқарилади, – савол бераман яна отахонга.

– Ҳар хил. Гоҳида икки-уч қоп, баъзан бир тоннагача. Соғлиққа фойдали бўлгани учун кўпчилик қора унга буюртма беради. Олий ва биринчи навли қилиб ҳам тайёрлаш мумкин...

– Юз кило буғдой ўтказилганда...

– Ўртача 85–90 кило ун чиқади. Қолгани – кепак... Чорва моллари ва паррандалар учун фойдали бўлган

бу махсулотнинг ҳам талабгорлари кўп.

– Тошлар ниҳоятда йирик экан-а...

– Улар тегирмоннинг “юраги” ҳисобланади. Каттаси қарийб бир тонна келса, кичиги 300 килодан ошади. Икки кишининг қучоғи аранг етадиган қўш тош қарийб 45 йилдан буён “айланади”. Уларнинг ўз тарихи ва ғаройиб кечмиши бор.

...Ўтган асрнинг 80-йилларида отам саккиз-ун чоғли қўшнимиз билан бир ойга яқин тоғда тош тарашлади, чопди, йўнди, хуллас, айлана шаклга келтирилди. Улов тугул дурустроқ йўл бўлмагани учун зил-замбил “юк”ларни “ғалтак ғўла”лар ёрдамида қарийб уч ҳафтада қишлоққа эндириб келганмиш. Ўрнатишда билакдек келадиган йўғон арқонлардан фойдаланилган.

Асрларнинг гувоҳи бўлган бундай ноёб ва бетакрор сув тегирмонларини бугун музейларда кўриш мумкин, холос. “Шоқишлоқ”даги 500 йиллик ажойиб усқуна эса ҳамон халққа хизмат қилиб, барака бермоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



+0
+5
Коракалпоғистон
Республикаси
Хоразм



+3
+8
Бухоро
Навоий



+2
+7
Ташкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё



+5
+10
Қашқадарё
Сурхондарё



+3
+8
Андижон
Наманган
Фарғона



+5
+7
Ташкент
шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АРМИЯСИ

АСОСИЙ ЭЪТИБОР НИМАГА ҚАРАТИЛДИ?

Дарҳақиқат, бугун сайёра-мизда содир бўлаётган қуролли тўқнашувлар таҳлил ва хулосаларига кўра, замонавий жангларда асосан янги тактик усул ва услубларни қўллаш орқали томонлар муваффақиятга эришмоқда.

Жанговар вазибаларни бажариш асосан тактик бўлиналар зиммасига юклатилиб, жанг тақдирини ҳал этиш ушбу бўлилма командирларнинг профессионал тайёргарлиги ҳамда бўлиналарнинг ҳамжиҳатликда ҳаракатланиш кўникмаларига боғлиқ бўлмоқда.

Шунинг учун 2023 йилда биринчи навбатда қўшинлар тайёргарлигини белгилловчи раҳбарий ҳужжатлар янгидан ишлаб чиқилди, яъни: қўшинларда тактик ўқувларни ташкиллаштириш ва ўтказиш қўлланмаси қайта кўриб чиқилди ва замон талаблар асосида ишлаб чиқилди;

ҳар бир жанг турига мос лаштирилган, турли мураккабликлардан иборат отиш машқларини ташкиллаштириш ва бажариш тартибини белгилловчи ўқотар, гуруҳ ва жанговар машина қуролларидан отиш курси тасдиқланди;

бўлиналарни тоғли ҳудудларда жанг олиб боришнинг янги усуллари ва замонавий тоғ анжомларидан фойдаланиш тартибини белгилловчи тоғ тайёргарлиги қўлланмаси қайта ишлаб чиқилди;

ундан ташқари, замонавий жангларда қўлланилаётган оқоп жанги бўйича йўриқнома, мерганларни тайёрлаш қўлланмаси ва узоқ масофаларга пидеда юриш тартибини белгилловчи йўриқнома ҳамда бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Ҳозирги кунда қўшинлар тайёргарлиги юқоридаги ҳужжатлар талабларига асосан амалга оширилмоқда.

Барча жанговар тайёргарлик амалий машғулотлари ва тактик ўқувларнинг 50 фоизи реал жанговар ҳаракатлар динамикасига яқинлаштирилган ҳолда тунги вақтларда ўтказилапти. Бўлиналарда жанговар тайёргарлик меъёрларнинг 50 % яқка тартибда, 50 % бўлилма (ҳисоб, экипаж, гуруҳ, взвод, батальон) таркибида бажарилмоқда. Бўлилма таркибида жанговар тайёргарлик меъёрларнинг бажарилиши шахсий таркибнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларини ва турли вазиятларда бўлиманнинг мўлжалланиши бўйича жанговар вазибани муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган даражада ташкиллаштирилмоқда.

Яқинда етган йил давомида жанговар тайёргарлик органи офицерлари ва малакали мутахассислар томонидан қўшинларга чиқиш орқали жойларда бўлиналарнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш ва командирларга амалий ёрдам бериш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Амалий ишлар давомида асосий эътибор тактик бўғиндаги офицерларнинг етакчилик сифатлари, касбий маҳорати, бошқарувчанлик ва услубий қобилиятларини оширишга, жанговар тайёргарлик тадбирларини ташкиллаштириш бўйича илғор тажрибаларни, янги тактик усул ва услубларни ўргатишга ҳамда шахсий таркибни ўқитишга ягона услубий билимларни шакллантиришга қаратилди.

Бундан ташқари, ўқув йилида бригада, батальон ва взвод командирларининг касбий маҳорати ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида ҳарбий округ қўшинлари кўмондонларининг ўринбосарларини жалб этган ҳолда ўқув-услубий йиғинлар ўтказилди.

Ушбу амалий ишлар ва ўқув йиғинлари натижасида қўшинларда кичик командирларнинг етакчилик сифатлари, услубий тайёргарлиги ва ўз бўлимасини моҳирона бошқариш кўникмалари оширилди, шунингдек,

шахсий таркибнинг жисмоний-руҳий тайёргарлиги такомиллашди ҳамда ҳарбий округлар ўртасида ўзаро тажриба алмашилди ва илғор тажрибалар, янги тактик усул ҳамда услублар қўшинларга татбиқ этилди.

АСОСИЙ МЕХАНИЗМ

Қўшинлардаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш тадбирлари ҳам назоратдан

ушбу марказларга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолади. Ҳозирги кунда ўқув марказларидаги замонавий ўқув инфратузилмалар қўшин мутахассисларини тайёрлаш учун асосий механизм

никмасини доимий равишда ошириб бориш мақсадида эса улар билан турли шарт ва вазиятларни (тоғли ва чўл ҳудудларида) яратган ҳолда қатор ўқув-услубий йиғинлар ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунда ана шу сержантлар қўшинларда кундан кунга ўз ўрнига эга бўлиб, бўлиналарни профессионал тайёрлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ундан ташқари, қўшинларда бўлилма ва ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини текшириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида турли кўрик-танлов, мусобақа ва беллашувлар ўтказилиб келинмоқда. Булар: "Энг илғор батальон (дивизион)" кўрик-танлови, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида "Мен ғолиб" шиори остида ўтказилган Армия ўйинлари, мuddатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танлови ва Қуролли Кучлар миқёсидаги ўз касбининг устаси кўрик-танлови. Ушбу мусобақалар натижаларига кўра, ҳарбий округ, қўшилма, ҳарбий қисм ва мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси ҳам баҳоланмоқда.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида 2023 йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари мутахассислари халқаро аренадаги турли ҳарбий мусобақаларда катнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Хусусан, 2023 йил март ойида Американинг Миссисипи штатидаги Кэмп Шелби базасида бўлиб ўтган "Энг илғор жангчи" мусобақасида иштирок этган Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси юқори касбий маҳорати билан барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

2023 йил май ойида Туркия давлатининг Испарта шаҳрида ўтказилган "Энг илғор мерганлар жамоаси" мусобақасида жамоамиз иккинчи марта иштирок этиб, Европа, Осиё ва Африканинг 13 давлати 42 та жамоаси ўртасида фахрли 2-ўринни эгаллади.

2023 йилнинг март ойида Покистон Ислон Республикаси Қуролли Кучлари 22-армия корпусининг "Терроризмга қарши курашиш миллий ўқув маркази" базасида VI халқаро "Жамоа руҳи" мусобақасида 11 та давлатнинг жамоалари ўртасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, 2023 йилнинг октябрь ойида Мудофаа вазирлиги жамоалари Буюк Британияда ўтказилган "Кембрия патрули" мусобақасида 44 давлатнинг 118 та жамоалари ўртасида 2-ўринни ва Корея Республикасида ўтказилган "Халқаро илмий жанговар тайёргарлик" мусобақасида 5 та давлатнинг 13 та жамоалари ўртасида 1-ўринни қўлга киритди.

Ўтган ўқув йили давомида халқаро ҳарбий ҳамкорлик режалари доирасида замонавий ҳарбий таҳдиднинг олдини олишга қаратилган ва дунёдаги ҳарбий ҳаракатлар театрида бўлаётган урушлар тажрибасини инобатга олинган ҳолда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Қозғоғистон ва Туркменистон давлатлари билан биргаликда 10 та ўқув тренинглари ўтказилди. Ушбу тренинглр Мудофаа вазирлигининг замонавий ихтисослаштирилган ўқув марказ ва базалари ҳамда полигонлар ҳудудида тактик-тиббий тайёргарлик, яшовчанлик, терроризмга қарши ҳаракатлар ва мерганлар тайёргарлиги йўналишлари бўйича ўтказилди.

Шак-шубҳа йўқки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни химоя қилишнинг мустаҳкам таянчидир. Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бу таъриф шунчаки айтилмаган. Бу ишонччи, бу масъулиятни оқлаш, унга муносиб бўлиш учун миллий армиямиз бир зум бўлса-да, тин олгани йўқ ва яна шунини ҳам алоҳида таъкидлашимизки, бугунги Янги Ўзбекистоннинг янги армияси ҳар қандай вазибани бажаришга тайёр.

**Катта лейтенант
Ислонжон ҚўЧҚОРОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.**

четда қолгани йўқ. Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган 16 та ўқув марказ сони 2023 йилга келиб 19 тага етказилди. Ушбу марказларда 36 та жанговар мутахассислик бўйича 10 818 нафар ҳарбий хизматчи ўқитилди.

Мазкур ўқув марказлар ривожланган хорижий давлат армияларининг мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Туркменистон, Қозғоғистон ва Озарбойжон давлатларининг ҳарбий мутахассислари

қилмоқда. Қўшинларда жорий этилган йўриқчи-сержантлар фаолияти бугун ўз самарасини бермоқда. Улар қўшинларда ўтказилаётган жанговар тайёргарлик машғулотларига кенг жалб этилмоқда ва бу орқали бўлиналарнинг тайёргарлик даражаси оширилипти. Ушбу йўриқчи-сержантларнинг касбий маҳорати ва амалий кў-

бу-
либ хизмат

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЮТУҚЛАР

2022 йилдан бошлаб Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчиларнинг ўз кучини, чидамлилигини, экстремал вазиятларда жисмоний юкчаларга, руҳий бардошлилигини синаш имконини берувчи интенсив синовлар тизими жорий этилган эди. Шунга кўра, 2023 йил сентябрь ойида "Довюррак жангчи" фарқловчи нишони учун навбатдаги синовлар ўтказилди ва жами 262 нафар ҳарбий хизматчи "Довюррак жангчи" фарқловчи нишон соҳиби бўлди (2022 йилда бу рақам 240 нафарни ташкил этган эди).

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston ovozi

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Бosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67,

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 137. 3665 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:55

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.